

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖУРНАЛИСТИКА ФАКУЛЬТЕТИ
“УСЛУБИЯТ ВА ТАҲРИР” КАФЕДРАСИ**

“ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА УСЛУБИЯТИ” ФАНИДАН

“ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ”



**БАЖАРДИ: ЎРИНОВА СВЕТА
ҚАБУЛ ҚИЛДИ: ТИЛЛАЕВ О.**

ТОШКЕНТ -2013

РЕЖА:

КИРИШ

АСОСИЙ ҚИСМ:

1-боб.

“Қишлоқ ҳаёти” газетасида махсус лексиканинг қўлланилиши

2-боб.

«Қишлоқ ҳаёти» газетасидаги лисоний-услубий хатоларнинг таҳлили

ХУЛОСА

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Кириш

«Мамлакатимизда ўтган йиллар давомида, айниқса охириги 10 йилда оммавий ахборот воситаларини янада либераллаштириш, сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган кенг қамровли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди.

Юртимизда, аввало, оммавий ахборот воситалари ривожини таъминлайдиган, демократик талаб ва стандартларга тўла мос келадиган мустақкам қонунчилик базаси яратилди. Ушбу даврда оммавий ахборот воситаларини эркин ва жадал ривожлантиришга, ахборот соҳасининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган 10 га яқин қонун ҳужжатлари қабул қилинди»¹.

Бу мавзу бўйича «Қишлоқ ҳаёти» газетаси мисолида соҳавий матбуотнинг тили ва услубини айтарли ўрганилмаган. Нафақат бу мавзу, балки «Қишлоқ ҳаёти» газетаси тили ва услуби билан боғлиқ курс иши сўнгги йилларда умуман ҳимоя қилинмаган.

Мавзунинг долзарблиги: ОАВ, хусусан, матбуот соҳасини ислоҳ қилишнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилаётгани бежиз эмас. Чунки матбуот, ОАВнинг асосий бўғини ҳисобланади. Кейинги йилларда турли ОАВда, хусусан, матбуотда турмушни фақат бир томонлама акс эттириш, ҳаётдаги камчиликларни кўриб-кўрмаганликка олиш ва ижобий томонларнигина ёритиш авж олиб бормоқда. Оқибатда давлат нашрларига нисбатан ўқувчининг қизиқиши сусайиб, турли хусусий нашрлар талабгорлари сони ортиб бормоқда. Бунга олиб келаётган сабабларни ўрганиш, камчиликларни таҳлил қилиш, энг асосийси, уларни бартараф қилиш чора-тадбирларини излаш ҳозирги кунда журналистлар олдидаги муҳим ва кечиктириб бўлмайдиган вазифалардандир.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасидан. www.google.uz. сайти.

Муҳими, газетадаги ҳар бир мақола ўқувчи дунёқарашини оширишга, унга ҳар томонлама ахборот беришга хизмат қилади. Аммо кўплаб нашрларда муаммоларга, хусусан, лисоний-услубий хатоликларга бефарқ қаралиши ачинарли ҳол. Шундай экан, давлат газеталаридаги материалларда турли услубий хатоларни ўрганиш, таҳрир қилиш, айниқса, уларни бартараф этиш усуллари таҳлил қилиш ўзига хос тадқиқот ўтказишни талаб этади. Биз танлаган курс иши мавзуининг долзарблиги ҳам, аҳамияти ҳам бевосита ана шу омилларга боғлиқ.

Ишнинг мақсад ва вазифалари: Башарият пайдо бўлибдики, у мудом яхши ва ёмон, иссиқ ва совуқ, кун ва тун каби қарама-қаршиликлар ичида ҳаёт кечириб келади. Ана шундай зиддиятлардан яна бири - ютуқ ва камчиликлардир. Матбуот кишилар онгини оширишга, уларнинг фикр-мулоҳазаларини рағбатлантиришга хизмат қилар экан, албатта, бу икки зиддиятли мавзулар ҳақида ҳолисона, тенг миқдорда ахборот бериб бориши даркор.

Босма нашрлар пайдо бўлгандан буён ана шу тенглик бир маромда сақланиб келган дея олмаймиз. Аммо матбуотда бу изчиллик йўқолмаслиги даркор.

«Қишлоқ ҳаёти» газетасида қишлоқ хўжалигига оид материалларнинг ёритилиши, махсус лексиканинг қўлланилиши, газета материалларида лисоний-услубий хатолар таҳлили ва таҳририга қай даражада эътибор билан ёндошилаётганини газета материаллари орқали ўрганиш ва уларни таҳлил қилиш натижасида амалий хулосалар бериш курс ишининг **мақсад ва вазифаларини** белгилайди.

Курс ишининг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари комплекси таркибидаги ҳамда шу йўналишдаги вазирлик ва идоралар нашри бўлмиш, Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси «Қишлоқ ҳаёти» газетасини

танладик. Иш давомида ушбу газетадаги юқоридаги масалалар ўрганилди ва таҳлил қилинди.

Илмий янгилиги: «Қишлоқ ҳаёти» газетаси тўлиқ тарзда тадқиқ қилинди. Турли адабиётлардаги соҳавий матбуотнинг тили ва услубига оид фикрлар шу газета мисоллари орқали ўрганилди. Газетанинг тили ва услубига оид ютуқ ва камчиликлар имкон даражасида ўрганилди.

Ишнинг назарий методологик асослари: Ишга илмий асос сифатида соҳавий матбуотнинг, хусусан, қишлоқ хўжалигига оид материалларнинг тили ва услубига доир мақолалар, амалий қўлланмалар, аудиторияда эшитилган маърузалар хизмат қилган бўлса, методологик жиҳатдан қишлоқ ҳаётига оид қонунлар, президентимиз Ислам Абдуғаниевич Каримовнинг асарларидаги қишлоқ ҳаётига оид фикрларига суянилди.

Илмий ишнинг аҳамияти: Ушбу кичик тадқиқот натижаларидан газетанинг келгусидаги фаолиятини такомиллаштиришда, шунингдек, талабаларнинг амалий машғулотларида материал сифатида фойдаланиш мумкин.

Курс ишининг тузилиши: кириш, 2 боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

“Қишлоқ ҳаёти” газетасида махсус лексиканинг қўлланилиши

Ҳеч кимга сир эмаски, журналист жамиятнинг кўзгуси саналади. У юксак малакавий маҳоратга, билимга, шунингдек, истеъдодга эга бўлиши лозим. Маҳоратли журналист деганда кўз ўнгимизда қандай инсон гавдаланади? Профессионализм нуқтаи назаридан ёндашадиган бўлсак, журналистга биринчи навбатда қўйиладиган талаблар қандай бўлади?

Менимча, журналистнинг энг аввало қалами, бошқача қилиб айтганда, тили равон бўлиши керак. Тили равон деганда биз оғзига келган жумлаларни тинмай гапираверадиган сайроқи кимсаларни эмас, балки ўзбек тили қонун-қоидаларидан, демакки, услубиятдан етарлича билими бор шахсларни назарда тутамиз. Зеро, матбуот ходимлари, умуман, журналистлар маҳорат ва малакаларини оширишда нутқ маданияти, услубият фанидан етарли билим олган бўлишлари шарт.

Услубият журналистларнинг тили равон, қалами чархланган бўлишига, нутқий ва албатта касбий маҳоратларини оширишларига, тилга масъулиятли ёндашувларига, жумлаларни ўринли қўллашларига ёрдам беради. Бу эса журналистдан махсус лексика, хусусан, соҳага оид терминлардан хабардор бўлиш ва маълум билим ҳамда малакани талаб қилади.

Махсус лексика-инсониятнинг турли меҳнат фаолияти соҳасига оид тушунчаларни ифодаловчи ва умумистеъмолда қўлланилмайдиган сўз ва сўз бирикмаларидир. Махсус сўз ва сўз бирикмаларидан бир хил соҳа ва ишлаб чиқариш вакиллари оғзаки ва ёзма нутқида фойдаланилади: физиклар, темирйўлчилар, геологлар, қурувчилар, врачлар ва бошқалар нутқида. Бир касб-ҳунар вакиллари қўллайдиган сўзлар жамиятнинг бошқа аъзоларига тушунарсиз бўлиши мумкин. Масалан, медицинага оид «оксигенератор», «гемолиз», «эмболия», химия соҳасида қўлланадиган «метанол», «изооктан»,

«оксид» каби сўзларни шу соҳадан хабари бўлмаган инсонлар терминологик луғатларсиз тушуниши қийин.

Махсус сўзлар умумистеъмол лексикаси таркибига кирмайди. Шунинг учун уларнинг кўп қисми адабий тилнинг изоҳли луғатларида учрамайди. Лекин махсус лексиканинг бир қисмида ушбу қатламга хос услубий белгиларни кўриш мумкин. Масалан, техника соҳасида, фан соҳасида, санъат соҳасида.

Махсус соҳага оид сўзлар фонетик ва график жихатдан бошқа сўзлардан фарқланиб турса, уларни ажратиш ва ўзлаштириш осонроқ бўлади. Айниқса четдан ўзлаштирилган сўзларда бу нарса яққол кўринади: «виза», «аппарат», «принтер», «биржа», «бартер», «бакалавр» ва бошқалар.

Махсус лексиканинг маълум қисмини рус-байналмилал сўзлар ташкил этади ёки маълум терминлар калькалаштириб (айнан таржима қилиниб) олинади. Масалан, в^упрямитель-тўғрилагич, пўлесос-чангютгич, подъёмник-кўтаргич, белўй стих-оқ шеър.

Калькалашда тушунчанинг ўзи таржима қилинади ва янги термин она тилининг фонетик ва грамматик қонунига бўйсunaди. Баъзи махсус сўзлар ярим калькалаштирилади: ультратовуш, самолётсозлик, микротўлқинли печ каби².

Она тилидаги махсус лексиканинг кўп қисми морфологик усул билан ясалади: «жийдадошлар», «чизгич», «иситма»

Кўп ҳолларда умумистеъмолда қўлланилган сўзлар маълум давр ўтиши билан кўп маънолилик, синонимик қаторларга эгалик хусусиятларини йўқотади ва махсус қўлланадиган сўз (термин)га айланади. Маълумки, махсус лексика илмий-техника, ишлаб чиқариш, бирон-бир соҳа ҳақида элементар маълумот берувчи тил бойлигидир. Умумистеъмолдаги сўз махсус лексикага ўтгач, ўзининг таъсирчанлик хусусиятини йўқотади. Масалан, «ноғора» - доира кўринишидаги уриб чалинадиган асбоб (умум); турли

²/.Абдурашмонов, С.Мамажонов. Ўзбек тили ва адабиёти.-Т.: Ўзбекистон. 1995

машина ва механизмларнинг цилиндри (техникада); ўрта кулоқнинг ички қатлами (медицинада).

Шуни ҳисобга олиш керакки, маълум бир махсус сўз бир неча соҳаларда ҳам қўлланиши мумкин. Масалан: «қанот» - самолётсозликда ва ҳарбий ишда (чап қанот ёки ўнг қанот қўшинлари); «операция»-тиббиётда (жарроҳлик), ҳарбийда (маълум бир ҳарбий тадбир), молияда (пул муомиласи); «морфология»-тилшуносликда (сўз қурилиши), ботаникада (ўсимлик тузилиши); «колония»-ижтимоий фанларда (мустамлака), ботаникада (тўп-тўп бўлиб яшовчи ҳайвонлар). Маълум махсус сўзларнинг турли соҳаларда ишлатилишига сабаб улар ифодалаган мазмундаги ва вазифадаги ўхшашликдир.

Махсус сўз ва сўз бирикмалари умумистеъмолдаги сўзларга омоним бўлиши мумкин. Қиёсланг: «картон»-қалин, қаттиқ қоғоз ва «картон»-келажакдаги асарни яратиш учун чизилган тахминий расм. «Роль»-драматик асар қаҳрамони, «роль»-кораблдаги команда аъзоларининг сони. «Куруқ мўй қалам»-хўлланмаган мўйқалам, «куруқ мўйқалам»-рассомчиликда қўлланиладиган усул бўлиб, қаттиқ мўйқалам билан оч ранг беришдир. «Йўлак»-ўтадиган йўл, «йўлак»- мода кўрсатиладиган сахна ва бошқалар.

Истеъмол доирасининг чегараланганлиги, яъни ундан она тилида гапирувчиларнинг ҳаммаси фойдаланавермаслиги жиҳатидан махсус лексика диалектизмларга ўхшаб кетади. Лекин уларнинг фарқлари катта:

1. Махсус лексиканинг катта қисми адабий тил таркибига киради; диалект сўзлар эса адабий тил таркибига қирмайди.
2. Махсус лексика умумий меҳнат фаолиятига эга бўлган шахслар ўртасида қўлланилади; диалект лексика-худудий жиҳатдан яқин бўлган кишилар нутқида ишлатилади.
3. Махсус сўз ва сўз бирикмалари умумистеъмолда қўлланиладиган вариантларига, синонимларига эга бўлмайди; диалектизмларнинг катта қисми (лексик, фонетик, лексик-семантик) вариантларга, синонимларга эга.

4. Инсоннинг фан-техника, санъат соҳасидаги билимларининг ривожланиши жараёнида махсус лексикадаги сўз ва сўз бирикмаларининг сони кўпаяди, уларнинг кўп қисми умумхалқ истеъмолидаги сўзлар таркибига киради. Диалект лексика эса сон жиҳатидан деярли кўпаймайди ва адабий тил хисобига бойиб бориши мумкин.

5. Фан, техника ва санъатнинг янги тармоқларининг пайдо бўлиши билан бирга махсус лексиканинг ҳам янги соҳалари юзага келади. Масалан: ядрофизика терминологияси, компьютер технологияси терминологияси ва бошқалар. Диалектларнинг сони эса кўпаймайди.

Махсус лексика тузилишига кўра бир хил эмас. Унинг тўрт асосий кўриниши мавжуд: терминлар, профессионализмлар (касб-хунарга оид сўзлар), профессионал-конструктив элементлар ва профессионал жаргонлар (арготизмлар).

Терминлар-бирор бир фан, техника, санъат соҳасига тегишли ва умумистеъмолдаги лексика таркибига кирмайдиган сўз ёки сўз бирикмаларидир³.

Терминология-бирон махсус соҳага оид сўзлар йиғиндисидир.

Тушунчани аниқ ифода этиш-кишилар меҳнат жараёнида бир-бирларини тушуниш учун керак бўлган асосий воситадир. Йўқса, тажриба алмашиш, ҳаттоки, меҳнат фаолияти қийинлашади. Тилшунос олим Г.Шухрад терминологиядаги ноаниқлик, чалкашлик туман ичида пороҳодни бошқариш билан баробар, деган эди.

Шунинг учун терминлар-махсус лексиканинг энг асосий қисмларидан бири бўлиб, мутахассислар томонидан яратилади. Терминларнинг қўлланилиши махсус-терминологик луғат тузиш жараёнида назорат қилиб борилади. Унда энг маъқул терминни ажратилади, бир тушунчани

³ Баъзи тилшунослар, шунингдек рус олими А.В.Калинин бирон бир профессионал сферада ишлатиладиган умумистеъмолдаги сўзларни ҳам термин деб атайдилар. Шунинг учун улар терминларни икки турга: шамма тушунадиган ва тор доира вакиллари (махсус кишилар) терминларига ажратадилар. В.А.Калинин. Лексика русского языка. МГУ 1966

ифодалайдиган бир неча сўзларнинг энг мос келадиган варианты танлаб олинади.

Термин қўллашдаги аниқлик дарҳол рўй бермайди-йиллар давомида танлаш, тартибга солиш, ниҳоят умумлаштириш (унификация қилиш) ва стандартлаштириш (бир қолипга солиш) орқали рўй беради.

Терминларнинг аниқлиги ва қатъийлашиши шу миллатнинг фани, маорифи, маданияти даражасини кўрсатади.

Турли соҳа мутахассисларининг ҳар бир тушунчага ном бериши, биринчидан, тилда терминларнинг кўплиги, иккинчидан ушбу соҳага тегишли бўлган кишилар учун тушунарсиз бўлганлиги билан тушунтирилади.

Мутахассис бўлмаган киши нотаниш соҳадаги жараённи кузата туриб, тушунарсиз сўзларга дуч келади. Масалан: от спорти соҳасига оид бўлган киши «от чопаяпти», «от сакраяпти» дейиши табиий. Ваҳоланки, мутахассислар аниқ терминлар орқали ушбу ҳаракатларни ифодалайди: «аллур», «рис», «трот», «карьер» ва бошқалар.

Инсон ҳамма соҳага оид терминларни ўзлаштириши қийин, чунки терминларни тушуниш фан, техника ва санъатнинг маълум соҳасига оид билим, малака талаб қилади. Эшитилиш жиҳатдан таниш бўлса ҳам, унинг айнан нимани ифодалаётганлигини англаш қийин. Ушбу матн орқали бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин: «Лексемаларнинг маъно муносабатларида даражаланиш ҳодисасининг ўрганилиши кўп жиҳатдан аҳамиятлидир: луғат бойлигининг тизим сифатидаги тавсифини беришда синонимлар ва антонимлар луғатини тузишда, луғавий бирликларни услубий восита сифатида қийматини белгилашда градуономик тадқиқотлар натижасидан фойдаланиш мумкин». (Ҳ.А.Жамолхонов «Ҳозирги ўзбек адабий тили» китобидан.) Юқоридаги матнда тилшунослик соҳасидан хабардор бўлмаган киши «лексема», «синоним», «услубий восита», «градуонома» каби терминлар маъносига тушуниши қийин.

Терминларга умумистеъмолга кирмайдиган сўз ва сўз бирикмалари киради. Масалан балиқчиликда ишлатиладиган «слип», «гак», «бобинец», «коч» каби, лекин «тўр», балиқ, «кит» каби сўзлар эмас. Мусикий терминларга «фуга», «синкопа», «кода», «тесситура», «сопрано» кабилар киради, «ашула», «фортопиано», «опера» эмас. Ёки балет соҳасида «фуэте», «па-де-де», «арабеска», «элевация» кабилар термин ҳисобланса, «рақс», «қадам», «балерина» каби сўзлар умумистеъмол сўзлар қаторига киради.

«Термин», «терминология» деганда кўпинча махсус лексикага оид барча сўзлар тушунилади, терминлар, профессионализмлар, профессионал арготизмлар ўртасидаги фарқ ажратилмайди. Терминларни ўрганишда, аввало терминни оддий сўздан (термин бирор тушунча ёки предметга қўшилган, эмоционал маънога эга бўлмаган махсус сўз), касб-ҳунар сўз (профессионализм)лардан ва профессионал арготизмлардан фарқлай олиш зарур.

Терминларнинг ўзи ҳам ишлаб чиқариш, саноат, илмий ижтимоий соҳаларга бўлинади. Терминларни қўллаш чегарали бўлганлиги учун ҳам терминологик луғатлардаги сўзлар 5 мингдан 20 мингтагачадан бўлади.

Она тили, чет тилларидаги сўзлар, шунингдек янги сўз ҳосил қилувчи лотин – грекчадан келиб чиққан байналминал унсурлар махсус лексиканинг манбаи ҳисобланади.

Ўзбек тилидаги сўзлар ва уларнинг бирикмаларидан махсус лексиканинг ҳамма тури шаклланади. Чет тилларидан олинган сўзлар ҳам терминологияни бойитишга хизмат қилади: «алгоритм», «монитор», «интоксопия», «аспирант», «биржа», «броккер» ва бошқалар.

Байналминал унсур (моно-, теле-, интер-, кино- ва бошқалар)лардан ясалган сўзлар ҳам кўпинча термин сифатида қўлланилади. Бунда сўз тўлиқ ана шундай унсурлардан ташкил топган бўлиши мумкин («электрокардиотопоскопия», «мономан», «интернет», «телепатия», «киномотография») ёки таркибий қисмининг бири бўлиши мумкин

(«ультратовуш», «киноижодкор», «телебошловчи» ва бошқалар). Бундай келиб чиққан терминлар талайгина: масалан, «моно-» (грекча «бир») таркибига кирган терминлар: *моногидрат, моноклин, монокок, мономер, моноритм, монокультура, монокуляр, монолит, мономания, монотип, моноцикл, моноцит*. Уларнинг умумидабий қатламга кириши осон (*монограмма, монография, монолит, монополия*; яна кино-, теле-, фото-, авто- қатнашган сўзларни кўриб чиқинг).

Махсус лексика шаклланишининг асосий усуллари қуйидагилар: *семантик, сўз ясаш, сўз қўйиш, сўз бирикиш усуллари*.

Семантик усул. Семантик усул махсус ёки умумистеъмолдаги сўзларни бошқа маънода қўллаш. Кўп ҳолларда адабий тилдаги сўзлардан олинади: қанот-майдоннинг чап қаноти (спортда) -қушнинг қаноти, ўсма-опохоль (тиббиётда) – ўсма (ўсимлик), Форс қўлтиғи (географияда) - қўлтиғи (тана аъзоси).

Фан, техника ва санъатнинг турли соҳалари луғати кенгайиши жараёнида профессионал соҳалар ўртасида сўз алмашинуви юзага келади. Масалан, «товтология» (тилшуносликда ва адабиётшуносликда), «операция» (жарроҳликда, харбийда), «трансформация» (физика, архитектура), «динамика» (физика, музика, театр), «уруғ» (тарих, этнография, ботаника), «текистлик» (математика, география). Маълум терминнинг турли соҳаларда ишлатилишига сабаб улар ифодалаган мазмун ва вазифадаги ўхшашликдир. Мантиқан боғлиқлик ва вазифа умумийлиги бўлганлиги учун бир соҳадаги терминлар иккинчи соҳага кўчирилади.

Сўз ясаш усули: Махсус лексиканинг кўп тури сўз ясаш усули орқали юзага келади. Бунда ҳам махсус, ҳам умумистеъмолдаги сўзлардан фойдаланилади. Бу хил махсус лексика туб ёки ясама бўлиши мумкин: «Фармацевт» (фармацевтика), «нақшдор» (нақш), «ўтказувчи» (ўтказмоқ), «типик» (тип), мультипликацион (мультипликация), мусиқий (мусиқа) ва бошқалар. Бу усулда морфологик йўл билан сўз ясаши кўпроқ учрайди:

- дош: жийдадошлар, пистадошлар;

- гич: чизгич, кўрсаткич;
- ма: сузма, қовурма, иситма;
- чилик: ипакчилик, пахтачилик ва бошқалар.

Сўз кўшиш усули. Қўшма терминлар, профессионализмлар бирдан ортиқ ўзакларнинг кўшилишидан тузилади: «ишбилармонлик», «талабнома», «кордиограмма», «ультротовуш», «полисемия» ва бошқалар. Махсус лексиканинг ҳамма турларида (профессионал-конструктив унсурлардан ташқари) уларнинг қисқарган шакли ҳам анчагина: «велозавод», «мелкобинат», «запчасть», «Тошкентбошқурилма», «нефтвазқурилиш».

Сўз бирикиш усули. Бу ҳолатда икки ва ундан ортиқ сўзлар бир тушунчани ифодалайди: «ялпи даромад» (валовой доход), «маиший хизмат» (бытовые услуги), «бета заррачалари», «калам хақи», «ун ҳосил қилувчи аъзолар», «умуртка поғонаси асаб толалари» ва бошқалар. Бирикмали терминлар одатда от ва от, сифат ва от, равиш ва феъл каби сўз туркумларининг бирикишидан тузилади. Баъзида фразеологик бирикмали бўлиши ҳам мумкин: «қизил чизик», «оқ шеър» каби. Бундай терминларни табора ихчамлаштиришга ҳаракат қилинади. Бу ҳол бора-бора аббревиатурага ҳам олиб келиши мумкин: Физика-техник институти-ФТИ, Ўзбекистон Миллий университети-ЎЗМУ ва бошқалар.

Ана шундай пароним-ўхшаш сўзлар ва терминлар “Қишлоқ ҳаёти” газетаси матнларида ҳам кўп учрайди. Масалан:

1. “Вилоятда саноатни ривожлантириш дастури...”. Саноат – синоат – зироат каби.
2. “Натижада бу ўғит тупроқ унумдорлигини...”. Ўғит – ўгит тарзида.
3. “...маҳаллий пудратчилар учун...”. Пудрат – кудрат каби.
4. “...пилладан мўл ҳосил етиштирилди”. Пилла – тилла тарзида.
5. “Қиш чилласида маҳаллий...”. пилла – тилла – чилла каби.
6. “Қолаверса, майда шохли моллардан олинаётган тери, жун сифатини яхшилашдир”. Жун – жўн каби.

7. “...яхши тўйинган йиллари 3 тоннагача асал олишмоқда”. Асал – касал тарзида.

8. “Чигит экиладиган пайкал ёнларида ҳам...”. Пайкал – ҳайкал каби.

9. “...фидойилик кўрсатилаётганлигидан дарак беради”. Дарак – данак.

10. “...маҳаллий ўғитлар махсус ўраларда чиритилмоқда”. Ўра – кўра.

Бу каби пароним сўз ва терминларга мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин. Албатта, бундай сўзларни қўллашда уларни бир-биридан фарқлаш лозим. Баъзнда улар нотўғри қўлланилган ҳолатлар ҳам учраб туради. Лекин бундай ҳоллар ушбу газета материалларида учрамади.

Оммавий ахборот воситаларида ва бадиий адабиётда махсус сўзлардан кўплаб фойдаланиш тарихдан маъқулланган. Лекин махсус лексикадан ҳар бир алоҳида ҳолатда, уларнинг мазмунидан келиб чиққат тарзда фойдаланиш керак. Ҳар бир сўзни қўллашда меъёр бўлгани каби, махсус лексикадан фойдаланишда ҳам бу нарса аҳамиятга эга. Масалан, Ўзбекистон Миллий Энциклопедиясидан олинган қуйидаги мисоллар ҳам далил бўла олади:

Хўжалик

1. Ишлаб чиқариш воситаларининг мажмуи; ижтимоий ишлаб чиқариш усули.

2. Ишлаб чиқаришни ташкил этадиган, уни юзага келтирадиган омиллар; ишлаб чиқариш мажмуи; ишлаб чиқариш.

Халқ хўжалиги

3. Ишлаб чиқаришнинг бирор соҳаси тармоғи.

Балиқчилик хўжалиги

4. Бирор кимса, ташкилот ёки халқ ихтиёридаги барча моддий бойлик, мулк- ршё, ер – сув, уй- жой.

5. Қишлоқ хўжалигидаги ўз ер – сувига, мулкига, ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлган ҳар бир алоҳида ишлаб чиқриш бирлиги.

6. Алоҳида уй- жойга эга бўлган ҳар бир оила, хонадон.

Шудгор

1. Ҳайдалган, чопилган ер. Қора шудгор, кузда ҳайдалган, аммо экин экмай ташлаб қўилган ер.

2. Ҳайдаш, чопиш. Кузги шудгор.

Қувур

1. Катта. Уўғон сопол труба

2. Умуман катта йўғон труба пўлат қувур

3. Сув, газ ва ш.н. ўтказиш учун қурилган система, иншоат. Газ қувури, нефть қувури.

4. Замбарак, тўп каби қуролларнинг ўқ отилиб чиқадиган узун қисми; смвол.

Таъминот

1. Керакли нарсаларни муҳайё қилиб етказиб бериш; яшаш, ишлаш учун зарур нарсаларга бўлган эҳтиёжни қондириш; қарамоқ, босим.

2. Яшаш, ишлаш учун керакли гул, озиқ – овқат, кийим – кечак каби нарсалар мажмуи.

3. Кўчма ном, қўл, маънавий озуқа, далда, умид.

Узумчилик

1. Узум етиштириш

2. Қишлоқ хўжалик фанининг ток экиш ва узум етиштириш ҳақидаги бўлими

3. Узумчи касб оти

Яхоб

1. Ҳосилдорликни ошириш, шўр ювиш, ерни зарали ҳашоратлардан тозалаш учун экин майдонини қишда суғориш.

2. Диал. Музли сув, муздай сув.

2-боб.

«Қишлоқ ҳаёти» газетасидаги лисоний-услубий хатоларнинг таҳлили

"Қишлоқ ҳаёти" газетасининг 122-сонидagi материалларни таҳлил қилсак. Ушбу сонда газета мухбири Ҳусан Темировнинг "Қишга пухта тараддуд" сарлавҳали материалида Қашқадарё вилоятида президентимизнинг "Республика иқтисодиёти тармоқларини 2011-2012 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг бажарилиши, хусусан, вилоят "Иссиқлик манбаи" очик акциядорлик жамиятида бир қатор ишлар амалга оширилиши ҳақида ахборот берилган. Мақолада баъзи услубий хатолар ҳам учради. "Мавсумдаги масъулиятини қалбдан ҳис этган "Иссиқлик манбаи" ОАЖ жамоаси..." жумласидаги *"қалбдан ҳис этган"* ифодаси асосан публицистик жанрлардаги материалларга хос. Бу жумлада ноўрин қўлланган. Шунингдек, "ўрнатилди" кесими кетма-кет қўлланган. "...электрон газ ўлчаш асбоблари *ўрнатилди*", "... совуткич *ўрнатилди*".

Газетанинг мазкур сонда журналист М.Мусулмоновнинг "Янгиқўрғонликлар нияти - маъмурчилик" сарлавҳали мақоласи берилган. Материалда Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани аҳоли қишлоқ хўжалигининг ғаллачилик, боғдорчилик, чорвачилик ва бошқа йўналишдаги фермер хўжаликларининг фаолияти ҳақида сўз боради. Материалнинг тили равлон, оммабоп. Матннинг асосий қисмида интервью жанрига оид элементлар ҳам қўлланган. Материалнинг композициявий қурилишида баъзи ғализликлар мавжуд. Матннинг асосий қисмида бериладиган ғоя, мақсад хулоса қисмида берилган.

"Қишлоқ ҳаёти" газетасининг ушбу сонда Қ. Аскаронинг "Тадбиркорнинг замонавий совуткичи" сарлавҳали мақоласи берилган. Материалнинг сарлавҳасиёқ ўқувчини мақолага тез жалб қилади. Матн ва сарлавҳа ўзаро бир- бирига мутаносиб. Сарлавҳа газетадаги бошқа

мақолаларнинг сарлавҳаларига нисбатан жарангдор, матнга мосдир. Матнда баён усулидан фойдаланилган.

Журналист Ҳ.Темировнинг “Ғаллазор ям- яшил” сарлавҳали мақоласига эътиборимизни қаратсак. Аввало, материалнинг сарлавҳаси хусусида. Мақола сарлавҳаси анча жўн, ғализ. Ўқувчи учун ҳеч қандай ахборот бермайди. Бизга маълумки, сарлавҳалар аташ вазифасидан бир қаторда хабар вазифасини ҳам бажариши лозим. Материал матнида баъзи услубий нуқсонлар мавжуд. Масалан, “Бунинг учун ҳозирданок мустаҳкам замин ҳозирланяпти”. “ҳозирданок” ёки “ҳозирланяпти” ифодасининг синоними билан алмаштириш керак.

“Қишлоқ ҳаёти” газетасининг янги йилдаги 5-сониди “Етиштириб бол, топдилар иқбол” сарлавҳали материали берилган. Мақоланинг сарлавҳаси матн билан бир- бирига мос ва уйғун. Матнда услубий муҳтолар учрамади. Матнининг композициявий қурилиши мантиқий изчилликка эна. Жумлалар тушунарли ва равон.

Мамлакатимизда истиқлол йилларида Ватанимизни ҳар томонлама гуллаб яшнатиш, бунёдкорлик, ободонлаштириш ва кўкалалаштириш ишлари хусусида ҳам бир қатор материаллар газета саҳифасидан жой олган. М. Ўрмонбекованинг “Боғ- роғлар юрт ободлиги тимсоли” сарлавҳали мақоласи шулар жумласидандир. Ушбу материалнинг асосини факт ва рақамлар ташкил этади. Материалда мавзуга оид терминлардан фойдаланилган. Масалан, кўкат, манзарали дарахт, суғориш, маҳаллий ўғит, зовқрлар, гектар каби. Мақола матнидаги жумлалар анча мураккаб гавплардан тузилган.

Газетанинг ушбу сониди Келдиёр Жўрақуловнинг “Фермернинг ери кенгайди – имконияти ошди” сарлавҳали мақодаси берилган. Материалда асосий факт ва маълумотлар билан бирга сурат ҳам жой олган. Биламизки, сурат ҳам матн ҳамда сарлавҳа билан уйғунликда, матнга мос берилса, мақола савияси ҳам ўқувчига таъсир этиши ҳам ошади.

Материалда услубий хатолар мавжуд. “Янги йилни яхши ниятлар билан қарши олган “Дилмурод шод” фермер хўжалигида ишлар шунақа кизгин орзу - интилишлар катта” жумласи бироз ғализ.

“Эндиликда йилдан – йилга касбига меҳр қўйган, ишнинг қўзинин биладиган тадбиркор деҳқонларгина оптималлаштириш майдонида қолмоқда”. “.... деҳқонларгина оптималлаштириш майдонига қолмоқда” ибораси нотўғри қўлланган. Тушунарсиз “янги” сўзлари кўп қўлланган.

Газетанинг мазкур сонига қўйидаги материалида “Абдурасул отанинг омилкорлиги – рўзғорга барака, оилага қўшимча даромад келтирмоқда” сарлавҳали мақола берилган. Мақола баён усулида таркибланган. Мақола муаллифи Бозорбой Бекмуродов материал матнида тасвирий – таъсирчан воситалардан фойдаланган. Матнда лисоний – услубий хатолар мавжуд. Масалан, “Яна оила аъзоларнинг ҳаммаси қишда ҳам иш билан банд бўлади”. Бу жумлада “яна” сўзи ортиқча қўлланган.

“40 та асаллари уяси ҳам оиланинг муҳим даромад манбаи саналади”. “40 та асаллари” эса “40 та асаллари” деб ифодаланиши керак. “Асал” сўзига кўплик қўшимчаси қўшилиб, жумла тушунарсиз бўлиб қолган.

“Оиламизда бекорчи вақтнинг ўзи йўқ...” жумласидаги “-да” қўшимчасининг ўрнига “-нинг” қаратқич келишигининг қўшимчаси қўлланилиши керак.

Журналист Усмонали Норматовнинг “Харажатлар камайиб, унимдорлик ошмоқда” сарлавҳаси остида берилган мақолага назар ташласак. Ушбу материал аниқ факт ва далилларга асосланган. Шу ўринда бир нарса хусусида тўхталгим келади. Пахтачилик Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг асосини ташкил этганлиги ҳаммамизга маълум. Бу газета саҳифаларидан ўрин оладиган мақолаларда ҳам ўз аксини топар эди. У. Норматовнинг юқорида тилга олинган мақоласи шулар жумласидандир.

Матнда композиция – воқеалар кетма – кетлиги, улар орасидаги мантикий боғланишлар ҳар қандай нуқсондан ҳоли бўлса, бу матн мазмуни ўқувчи томонидан тез илғаб олинади.

Бунга мисол тариқасида “Қизил чўл маҳсулдор зот” сарлавҳали материални айтишимиз мумкин. Ушбу материалда фотосурат ҳам берилган. Мақолага мос фотосурат ҳам ўқувчини ўзига жалб қилади.

Газетанинг кейинги сонларида **«Замонавий, кўркам, қулай»** сарлавҳаси билан **«уй-жой қишлоқ аҳолиси учун»** деб номланган тагсарлавҳа билан чоп этилган мақоладаги услубий камчиликларга тўхталсак. Ундаги тагсарлавҳа, гарчи бошқа маънода қўлланган бўлсада, лекин ўқувчида нотўғри хулоса туғдириши ҳам мумкин. Эътибор беринг **«уй-жой қишлоқ аҳолиси учун»**. Хўш, у аслида **«Қишлоқ аҳолиси учун уй-жой»** тарзида бўлиши керак эмасмиди? Ахир ҳамма уй-жой қишлоқ аҳолиси учун бўладиган бўлса, у ҳолда шаҳар аҳолиси қаерда яшайди?

Газетадаги **Ғулом Мирзаевнинг «Тараққиёт ва фаровонлик дастури» сарлавҳаси ва « у нафақат қишлоқларимиз, балки бутун мамлакатимизни янги юксак марраларга олиб чиқишга хизмат қилади» тагсарлавҳаси билан мақоласи чоп этилган. Биз буни маълум маънода шарҳ ҳам дейишимиз мумкин. Чунки у Президент Ислон Каримовнинг 2009 йил 26 январдаги қарорига мувофиқ «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури тасдиқланганлиги ва ушбу дастурда нималар кўзда тутилганлигига ҳақидаги изохга бағишланади. Мақолада келтирилишича, Давлат дастури 9 бўлим ва 105 банддан иборат. 1989 йилдан 2008 йилгача бўлган даврда қишлоқ ҳаётини, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган 80 дан ортиқ қонун, қарор ва фармонлар қабул қилинганлиги ҳақидаги факт берилган ва Дастурнинг 1-бўлими ана шу қонунчилик базасини янада такомилллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар ҳақида эканлигига урғу берилган.**

Ушбу мақолада ўқувчини чалғитадиган хатоликка йўл қўйилган. Яъни дастур бўлимлари ҳақида гап кетаётганда, бўлим рақамлари аниқ кўрсатилмаган. Унда фақат «биринчи бўлим», деган жумлага кўзингиз тушади. Қолган 8 та бўлим ҳақида гап кетганда қуйидаги ноаниқликка йўл қўйилган: «дастурнинг навбатдаги бўлими», деган сўз бирикмаси биринчи

бўлимдан кейинги ҳар бир бўлим ҳақида гап кетганда қўлланилган. Ўқувчи бир қарашда гап қайси бўлим ҳақида эканлигини англай олмайди. Ундан ташқари мақоладаги «дастурнинг навбатдаги бўлими», деган сўзлар саккизта эмас. Мақолани ўқиётган кишининг фикри буткул чалғиб кетади. Менимча, гап бутун малакат миқёсидаги аҳамиятга молик дастур ҳақида кетаётганда бундай ноаниқликка йўл қўйиб бўлмайди. Гарчи, дастурнинг қисқача мазмунини ёритмоқчи бўлинганда ҳам «Биринчи бўлимдан «шу-шу» масалалар ўрин олган, 2-бўлимда қуйидагиларга урғу берилган» дейиш мақсадга мувофиқ бўларди.

«Қишлоқ ҳаёти» газетасининг ЎзА мухбири Т. Бекназаровнинг «Таҳлил ва танқид руҳида» деб номланган мақоласи чоп этилган. У Жиззах вилоятида 2010 йилнинг 9 ойида эришилган натижалар ҳақида бўлиб, йиғилишни вилоят ҳокими С. Исмоилов олиб боргани ҳам айтиб ўтилган. Мақолада дастлаб вилоятда эришилган ютуқлар ҳисоботи келтирилиб, сўнгра камчиликлар ҳам ёритилган.

«...Вилоят фаоллари ижтимоий-иқтисодий соҳада эришилаётган ютуқлар билан бирга, ҳали ечимини кутаётган камчиликлар ҳам борлигини қайд этдилар. Жумладан, Зафаробод туманида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўтган йилга нисбатан ўсиши таъминланмади. Бу борада Арнасой, Мирзачўл, Янгиобод туманларида ҳам мавжуд имкониятлардан етарли даражада фойдаланилмаётир. Йиғилишда айрим корхоналарда маҳаллийлаштириш дастурида белгиланган прогноз кўрсаткичлари бажарилмаётгани, Бахмал ва Ғаллаорол туманларида «Жиззахпахтасаноат» худудий бирлашмаси томонидан чорвачилик комплекслари, «Дўстликдонмаҳсулотлари», «Жиззахдонмаҳсулотлари» корхоналари томонидан паррандачилик комплекслари ишга туширилиши кечикаётгани танқид қилинди».

«Қишлоқ ҳаёти» газетасида юқорида мисоли келтириб ўтилган каби йил ва ой яқунлари таҳлили мунтазам бериб борилади. Бундай таҳлилларда ҳар бир вилоятнинг ҳокими томонидан танқид қилинган муаммолар ва уларни

бартараф этиш юзасидан билдириладиган таклифлар рўй-рост очиб берилади. Аммо газетани кўздан кечириш чоғида бир камчилик эътиборимни тортди. Унда киши номларини қисқартириб ёзиш ҳоллари кўп учраркан. Қизиғи шундаки, нафақат бу газетада, балки матбуотнинг барча турларида бу ҳол одатий бўлиб қолган. Шахсан ўзим жиззахлик бўла туриб, Жиззах вилояти ҳокимининг исмини билмайман, унинг исми С ҳарфидан бошланишини биламан, холос. Уни аниқлаштиришим учун ё топишмоқ ўйнашим керак, ёки президент Жиззах вилояти ҳокимини тайинлагандаги қарорни газета архивларидан топишим керак. Ҳокимнинг исмини билишнинг яна бир чораси-унинг неварасининг фамилиясини билиш. Чунки матбуот ва интернет саҳифаларидаги мақолаларда киши номлари, аксарият ҳолларда, қисқартириб берилади. Бу дегани кишининг фамилияси муҳим, аммо исмини билиш шарт эмас деганими? Фақат бу эмас, бошқа мақолаларда ҳам, асосан, фамилияга урқу берилади. Исмнинг эса бош ҳарфи ва нукта белгиси қўйилади. Масалан, А.(нукта), Б.(нукта), Д.(нукта) ва ҳақозо. Эркакларгаку маъза, чунки аҳвол шу тарзда кетадиган бўлса, келажакдаги матбуотда ҳеч бўлмаса неваралари ҳақида тайёрланган мақолаларда исми тилга олинади. Аммо аёлларчи? Уларнинг исми бир умр ўқувчилар учун номаълумлигича қолиб кетаверадими?

ОАВ кишиларга маданиятни, ўзаро ҳурматни тарғиб этиб, ўзи эса шахсга нисбатан ҳурматсизлик қилиб турса, буни қандай тушуниш мумкин? Чунки ота-она не-не орзу-хавасда фарзандига атаб қўйган чиройли оти туриб, уни қисқартириб ёзиш, исмнинг эгасига нисбатан ҳурматсизлик ҳисобланади. «Етти иқлимдан бир шингил» рукнидаги қуйидаги сарлавҳага эътибор беринг: «Ўтган йилдаги ОАВлар йўқотиши». Агар биз ОАВ қисқартмасини кенгайтирадиган бўлсак, у «Оммавий Ахборот Воситалари» бўлади. Яъни унда шундоқ ҳам кўплик қўшимчаси «–лар» мавжуд. Шундай экан, ОАВ қисқартмасидан кейин «лар»ни қўйиш ортиқчалик қилади. Акс ҳолда у қуйидаги тарзда бўлиб қолади:

«Ўтган йилдаги оммавий ахборот воситаларилар йўқотиши».

«Қишлоқ ҳаёти» газетасининг 2011 йил 23 январь кунги сонининг 4-саҳифасида Хулқар Маматмурованинг «**Томда қуриган туршакнинг нархи нега осмонда?**» номли мақоласининг ғояси жуда зўр, аммо таҳрир яхши эмас. Қуйидаги ғализ гап бунга яққол мисол:

«Болаларимизга ва атрофимизда кишиларга тиб илми султони Ибн Сино бобомиз ўрикнинг шифобахшхусусиятларини, туршакни ивитиби истеъмол қилиш инсон организми, нафас йўллариغا шифо эканлигини уқтирганимиз ўқтирган.

Бу ерда ё иккита гап бирлашиб кетган, ё жумланинг ҳаддан зиёд узунлигидан муаллиф ёки таҳрир қилган одам ҳам адашиб кетгн. Қолаверса, бир сўз икки хил ёзилган. Биринчисида «**уқтирган**», иккинчисида «**ўқтирган**».

Газета чоп этилгунга қадар камида ўн кишининг назоратидан ўтади. Айрим имловий хатолар ўтиб кетишини тўғри қабул қилиш мумкин дир, аммо республика миқёсида ўзининг нуфузли ўрнига эга бўлган газетадаги поянтар- соянтар гапларни қандай тушуниш мумкин?

Шу ва шунга ўхшаш лисоний-услубий нуқсонлар нафақат “Қишлоқ ҳаёти”, балки бошқа соҳавий матбуот нашрларида ҳам учрайди. Демак, газетада босилиши лозим бўлган қўлёзманинг сайқал топишида, уни пишиқ-пухта, бехато, баркамол ҳолда бўлишида муҳаррирнинг ўрни катта аҳамиятга эга.

Хулоса

Одамлар фақат мактовлар билангина ёзилган мақолаларни ўқийверса, зериқиш пайдо бўлади. Газетанинг бир-икки сонини ўқийди-да, кейин унга нисбатан қизиқиш йўқолади. «Қишлоқ ҳаёти» газетасида ҳам куруқ тафсилотлар билан чеараланиб қолган мақолаларни кўплаб учратишимиз мумкин. Уларнинг аксариятида ким?, қачон?, қаерда?, нима қилди? каби саволлар жўнгина изоҳланган. Бир сўз билан айтганда, нутқий қолиплардан кўп фойдаланилади. Бундай мақолаларнинг сарлавҳаси ҳам кишини ўзига тортмайди. Чунки сарлавҳанинг ўзинигина ўқиш кифоя, мақола нима ҳақида эканлигини билиб олиш мушкул эмас. Масалан, **«Картошқачилик-даромад манбаи»**, **«Комбайнлар ўримга шай»**, **«Эмлаш саломатлик кафолати»**, **«Фермернинг ҳайрли ишлари»** ва бошқалар бунга мисол бўла олади. Менинг фикримча, фермернинг қайси йилда қанча ҳосил олганидаги фактлардан кўра, ўша ҳосилни етиштиришгунича қандай қийинчиликларни енгиб ўтгани ва муаммоларни қандай янгича усул билан бартараф қилгани қизиқроқ. Чунки газета бирор қишлоқ одамини қаҳрамон қилиб кўрсатар экан, у ҳақида очерк тайёрлар экан, аввало ўша одамнинг бошқаларда учрамайдиган қандай ўзига хслиги борлигига аҳамият бериши, янгича детальларга эътибор қаратиши лозим. Масалан, заводнинг илғор ходими, ферманинг ишбилармон раҳбари деган билан ўқувчи диққатини жалб этиш мушкул. Буни ҳолва деган билан оғиз чучимади ибораси орқали изоҳлаш мумкин. Муаммоли мавзулар эса ўқувчи диққатини ўзига торта олади. Чунки инсонларнинг руҳияти шунга ташна. Уларни яхши гапдан кўра шов-шувли мавзулар кўпроқ қизиқтиради. Бугунда кескин янгиланиш даври кечяпти. Ҳатто қишлоқларимизда ҳам шаҳарларникидан қолишмайдиган юзлаб бино-ю, иморатлар қурилиб, мамлакатимиз чиройига тобора кўрк бағишлаб бораёпти. Булар ҳақида бирорта чет эл матбуоти шов-шув кўтармайди. Агар беҳосдан бирор эски биномиз қулаб тушса, 2-3 ой матбуот саҳифаларидан

тушмайди. Чунки шундай хабарлар чоп этилган газеталар харидоргир бўлади. Шундан келиб чиққан ҳолда «Қишлоқ ҳаёти» газетасида қишлоқ муаммоларини кўпроқ ёритилса мақсадга мувофиқ бўларди. Газетада қишлоқ муаммолари ёритилган мақолалар йўқ эмас, аммо сийрак. Халқ эса ўз муаммоларининг учимини кўришни, дардини ўртоқлашишни яхши кўради. Агар газетада муаммоли масалалар сих ҳам, кабоб ҳам куймайдиган қилиб ёритиб борилса, мажбурий обунага хожат қолмасди.

Ўзимдан мисол қилиб айтадиган бўлсам, **2012 йил 20 май кунги** «Қишлоқ ҳаёти» газетасининг атиги учтагина мақоласи диққатимни ўзига жалб қила олди. Улар **«Сувдан фойдаланишда авандоз усули», «Зарур чоралар кўрилади», «Яшириб янглишганлар»** номли мақолалардир. Чунки айнан шу мақолалардагина муаммоли мавзулар кўтарилган ва уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар билдирилган.

Муаамоли мавзуларни ёритиш бўйича жаззахлик мухбир Келдиёр Жўрақулов ўзига хос услуб ва тажрибага эга. У фақатгина маданий-маиий муаммолар билан ўралашибгина қолмасдан каттакатта муаммоларни ҳам ёрита олиш қобилиятига эга эканлигини «Қишлоқ ҳаёти» газетаси кўлёмаларини кўздан кечиргаим сари амин бўлиб бордим.

««Қишлоқ ҳаёти»га жавоб берадилар» рукни эса қишлоқ муаммоларини ёритиш бўйича етакчи рукнлардан бири ҳисобланади. Аммо у онда-сонда чоп этилиши керак эмас, аксинча ҳар сонда бериб борилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Инсонлар матбуот саҳифаларида ўз муаммоларининг ечимини кўрар экан, уларда фахр туйғуси ўз-ўзидан шаклланиб боради. «Яшасин она қишлоқ-она ватан» деган билан қишлоқ аҳлини газета ўқишга мажбурлаб бўлмайди. Тўғри, одамларни мажбурий обуна қилдириш мумкин, лекин гап газетанинг қанча тиражда сотилганида бўлмаслиги керак. Агар инсонлар газетада барчага тегишли муаммолар ва уларнинг ечимини кўрмас экан, ўша газетанинг халқ олдида обрўси бўлмайди.

Мен «Қишлоқ ҳаёти» газетасининг бошқа ижтимоий-иқтисодий газеталарга нисбатан кўпроқ миқдорда муаммоли масалаларни ёритишига газета қўлёзмаларини бирма-бир кўриб чиқиш натижасида амин бўлдим.

Газетанинг вилоят мухбирлари ҳам яхши ишлар экан. Буни вилоятдан келган мақолаларнинг турфа жойдан ва турли мавзуда эканлигидан ҳам билиш мумкин. Бироқ айнан вилоят мухбирлари қишлоқлардаги муаммоли вазиятларни ва уларни бартараф этиш бўйича таклиф-мулоҳазаларни кам ёзар экан. Улар бор эътиборларини вилоятлардаги ютуқларга қаратиб қўйган. Ахир ҳар бир вилоятнинг ўз ечимини топмаётган муаммолари бир эмас, бир талай топилади-ку. Зора бу муаммолар газетада чоп этилса, балки ўз ечимини топиб, қишлоқларимизнинг тараққий этишига озми-кўпми таъсир кўрсатармиди.

Мен газета қўлёзмаларини кўздан кечириш жараёнида таҳрир ва мусахҳиҳ ишлари борасидаги хатоликларга ҳам жуда кўп мартаба дуч келдим. Газета ходимларига бундан кейинги иш жараёнларида шу камчиликларини тузатишлари ва қишлоқ муаммоларини ёритишга алоҳида эътибор қаратиш кераклиги таклифини билдираман ва уларнинг келгуси фаолиятларига муваффақиятлар тилайман.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси конституцияси.-Т.:Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И. А. Истиқлол ва маънавият.-Т.: Ўзбекистон. 1996.
3. Тошалиев И. Сарлавҳа стилистикаси.-Т.: Университет, 1995.
4. Тошалиев И., Абдусатторов Р. Оммавий ахборот воситаларининг тили ва услуги.-Т.: Университет, 2006.
5. М.Халикова, Л.Тошмухамедова. Газета сарлавҳалари услубияти. –Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008.
6. “Қишлоқ ҳаёти” газетасининг 2011-2012 йилги сонлари.

Қўшимча адабиётлар

1. Сафаров Н. Рубрика танлаш санъати. // Мухбир.-Т. 1996. 5-сон.

Интернет сайтлари

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасидан. www.google.uz. сайти.

